

**Бухоро вилоят автомобиль йўллари бош бошқармаси тасарруфидаги  
Давлат ахамиятга молик умумий фойдаланишда бўлган автомобиль йўлларида  
давлат кадастри ҳужжатларини тайёрлаш учун**

**26-сонли ШАРТНОМА**

Бухоро шаҳри

29 ноябр 2022 йил

Ушбу шартнома биринчи томондан **“Буюртмачи”** деб юритиладиган Бухоро вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси номидан Устав асосида иш юритувчи бошқарма бошлиғи **Ш.М.Абдуллоев** иккинчи томондан кейинги ўринларда **“Бажарувчи”** деб юритиладиган **«OBOD VA NURLI YO'LLAR» МЧЖ** номидан Устав асосида иш юритувчи директор **Д.Сайиткулов** куйидаги шартномани туздилар:

**1. Шартнома мазмуни.**

1.1 “Буюртмачи” “Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси” Давлат харидлари махсус ахборот портали орқали № 192484 лот рақамли танлов савдолари натижалари бўйича Бухоро вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси танлов комиссиясининг 2022 йил 24 ноябрдаги далолатномасига асосан бошқарма тасарруфидаги Давлат ахамиятига молик 4P61 "Преке қ. - Оёққудуқ қ. - А379 автойўли (126 км) Қорақатта темир йўл станциясига - Жонгелди қ.- А380 автойўли (404 км) " а.й.нинг 212-278 км, 4P73 "А380 автойўли - Амударё дарёси - Қизилравот қ." а.й.нинг 0-31 км, 4P75 "Т4Р66 автойўли - А380 автойўли - Варахша қ. - Моҳонқўл даҳаси - Қорақўл ш." а.й.нинг 0-86 км, 4P218 "А380 автойўли - Тошбулоқ гранит кони - Қорақир массиви - Шуруқ қ. - Жонкелди қ." а.й.нинг 0-105 км, 4P221 "Талижа қ. - Боғиэфзал қ. - Ғалаба қ. - Нурлибой қ. - Болтабой кудуклари" а.й.нинг 0-62 километри умумий узунлиги 350 километр бўлган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида давлат кадастри ҳужжатларини тайёрлашни топширади.

1.2 “Бажарувчи” Давлат ахамиятига молик 4P61 "Преке қ. - Оёққудуқ қ. - А379 автойўли (126 км) Қорақатта темир йўл станциясига - Жонгелди қ.- А380 автойўли (404 км) " а.й.нинг 212-278 км, 4P73 "А380 автойўли - Амударё дарёси - Қизилравот қ." а.й.нинг 0-31 км, 4P75 "Т4Р66 автойўли - А380 автойўли - Варахша қ. - Моҳонқўл даҳаси - Қорақўл ш." а.й.нинг 0-86 км, 4P218 "А380 автойўли - Тошбулоқ гранит кони - Қорақир массиви - Шуруқ қ. - Жонкелди қ." а.й.нинг 0-105 км, 4P221 "Талижа қ. - Боғиэфзал қ. - Ғалаба қ. - Нурлибой қ. - Болтабой кудуклари" а.й.нинг 0-62 километри умумий узунлиги 350 бўлган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида давлат кадастри ҳужжатларини тайёрлашни ўз зиммасига олади.

1.3 Ишларни шартнома имзоланган кундан бошланади.

1.4 Ишларни тугатиш вақти 28 декабр 2022 йил

1.5 Ишлар амалдаги меъерий ҳужжатлар ва «Буюртмачи» томонидан тасдиқланган техник топшириққа асосан амалга оширилади.

**2. Шартнома баҳоси ва тўлов қоидалари.**

2.1 Ишларни амалга ошириш баҳоси ҚҚС билан **1 550 000 000 (бир миллиард беш юз эллик миллион)** сўмни ташкил қилади.

2.2 “Буюртмачи” шартномани имзолаб ғазначилик бошқамасидан ўтказгандан сўнг 5 (беш) банк куни муддатда шартнома баҳосининг 15% миқдоридан аванс тўловини амалга оширади.

2.3 Техник топшириқда кўзда тутилган ҳужжатлар тўпламини қабул қилгандан кейин 5 (беш) банк куни муддатда қолган 85% шартнома баҳосини “Бажарувчи” нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4 Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

### **3. Томонлар мажбуриятлари.**

3.1. “Пудратчи” шартномада кўзда тутилган муддатларда ишларни ҳар бир йўл учун алоҳида тайёрлаб икки нусхада “Буюртмачига” топширишни ўз зиммасига олади.

3.2. “Буюртмачи” шартномада кўзда тутилган тартибда тўловларни амалга оширишни ва бажарилган ишларнинг шартнома талабларига мувофиқлигини назорат қилишни ўз зиммасига олади.

3.3. “Буюртмачи” томонидан дастлабки тўлов (аванс) ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда, ишларни тугаллаш муддати ҳам, тўлов кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

3.4. Шартноманинг шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган томон у асослантириб келтирган зарар миқдорини иккинчи томонга тўлалигича тўлаши шарт.

3.5. Шартномавий мажбуриятларни бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

### **4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби.**

4.1. “Пудратчи” ишларни ҳар бир йўл учун алоҳида 2 нусхада тайёрлаб, чоп этади ва топшириш-қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда “Буюртмачи”га топширади.

4.2. “Буюртмачи” 5 (беш) иш куни мобайнида ҳужжатларини кўриб чиқиб, техник топширик талабларига мос ва сифатли бажарилганлигига ишонч ҳосил қилгач, топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолайди ва қолган шартнома баҳосини “Пудратчи”нинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

4.3. Бажарилган ишлар натижаларидан қаноатланмаган “Буюртмачи” далолатномани олган пайтдан бошлаб 3 (уч) иш куни мобайнида “Пудратчи”га ишларни қабул қилмаслиги тўғрисида асосланган ёзма раднома юбориши шарт.

4.4. “Буюртмачи” радномаси асосли деб топилган ҳолда томонлар далолатнома тузадилар ва унда кўшимча бажарилиши лозим бўлган хизматлар рўйхати ва уларни бажариш муддатлари белгиланади.

4.5. Ҳисобот ойларида бажарилиб молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмлари арифметик ёки бошқа камчиликларга йўл қўйилганда кейинги ойлarda бажарилган ишларга тузатиш киритиш орқали бартараф этилади.

4.6. Томонлар ишларни бажариш жараёнида махфий ҳисобланадиган маълумотлардан фойдаланилганда, ошкор бўлишининг олдини олиш чора-тадбирларини кўради.

### **5. Томонларнинг жавобгарлиги.**

5.1. Шартноманинг шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган томон у асослантириб келтирган зарар миқдорини иккинчи томонга тўлалигича тўлаши шарт.

5.2. “Буюртмачи” томонидан “Пудратчи” га, кўрсатган хизмати учун кечиктирилган тўловни ўз вақтида амалга оширмаса, тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,4 % дан жарима ундирилади, аммо жариманинг умумий миқдори бажарилган ишлар баҳоси суммасининг 50 % дан ошмаган миқдорда.

5.3. “Буюртмачи” радномаси асосли деб топилган ҳолда томонлар далолатнома тузадилар ва унда кўшимча бажарилиши лозим бўлган хизматлар рўйхати ва уларни бажариш муддатлари белгиланади.

5.4. Ишларни бажариш жараёнида уларни давом эттириш имконияти йўқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда “Буюртмачи” “Пудратчи”ни хабардор қилиши ва у билан биргаликда зарур чоралар кўриши шарт.

### **6. Якуний шартлар.**

6.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва кўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

6.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

6.3. Шартнома баҳоси кўшимча ажратилган лимит доирасида ўзгариши мумкин.

6.4. Шартномага иловалар: Техник топширик, келишув баёномаси ва бошқа маълумотлар.

## 7. Томонлар ўртасида шартномавий низоларни ҳал этиш.

7.1. Ушбу шартнома асосида келиб чиқадиган ҳар қандай низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликлари талабларига асосан иқтисодий судларида ҳал этилади.

7.2 Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари, жумладан Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий, ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунларга мутаносиб равишда белгиланади.

## 8. Қўшимча шартлар.

8.1. Мазкур шартнома уч нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

8.2. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда;
- Форс-мажор ҳолатларида.

## 9. Шартноманинг қонуний кучга кириши.

9.1. 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2850-сон билан рўйхатга олинган “Бюджет тизими бюджетларининг Ғазна ижроси қоидаларига” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан, шартнома тегишли тартибда Ғазначилик бошқармасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

## 10. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари.

### Буюртмачи

**Бухоро вилояти АЙББ**  
Манзил: Бухоро ш. Гиждувон кучаси 272-уй  
Тел./факс: 0 (65) 228-50-03  
Ш.Х.В: 304510860064017045162118001  
ИНН: 201188890 ОКОНХ: 97400  
Ғазначилик органи номи: Бухоро вилояти  
буйича ғазначилик бошқармаси  
Ғазна х/р: 23402000300100001010  
Банк: Тошкент ш. Марказий банк ХХКА  
МФО: 00014 СТИР: 201122919

Бошлик:  Ш. М. Абдуллоев

Юристъ:  Х. Шаропов



### Бажарувчи

**"OBOD VA NURLI YO'LLAR" МЧЖ**  
Манзил: Бухоро туман Шифокорлар кўчаси 21 уй  
Телефон: (91) 416-89-48  
Х/р: 2020 8000 2009 0446 4001  
Банк: АТ Алоқабанк  
Бухоро вилоят филиали  
МФО: 00401  
ИНН: 305646473

Директор:  Д. Сайиткулов

